

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 9 апрель, № 69 (4984)

Жума

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ



Мамлакатимиздаги йирик sanoat корхоналарида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, уларнинг сифати тобора яхшиланимқда. Натижада кўплаб корхоналаримиз ўзларининг сифатли маҳсулотлари билан ички ва ташқи бозордан мустақкам жой олмоқда.

Ислохот

Тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган ана шундай корхоналардан бири Самарқанд шаҳридаги "Eixolding" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасидир. Корхона кўлга киритган натижалар бу гапнинг нечоғли тўғри эканлигини тасдиқлаб турибди. Мисол учун, бирлашма 2000 йилда "Worlddidac" Бутунжаҳон таълим материаллари ноширлари, ишлаб чиқарувчилари ва дистрибуторлари ассоциацияси аъзолигига қабул қилинган эди. Айни пайтда у ISO-9001:2000 халқаро стандартлари сертификати билан ҳам тақдирланган.

Эътиборлиси шундаки, корхонада Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази буортмалари бўйича коллеж, лицей ва умумтаълим мактаблари учун ўқув-лаборатория жиҳозлари комплекс тарзда ишлаб чиқарилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

КАШҚАДАРЁ. Буюк саркарда ва давлат арбоби, Соҳибқирон Амир Темураваллудининг 674 йиллиги муносабати билан жойларда илмий анжуманлар, турли маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Илмий-амалий анжуман

Буюк бобоклонимиз фаолиятини, давлатчилик ва бошқарув тамойилларини чуқур ўрганиш кўна тарихни билиш ва англашга хизмат қилади. Айниқса, бунинг ёшлар тарбиясидаги ўрни катта.

Шахрисабз шаҳрида Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва Халқаро Амир Темураваллудининг 674 йиллиги муносабати билан жойларда илмий-амалий анжуманда шулар ҳусусида сўз борди. Тадбирда Ўзбекистон Миллий университети,

(Давоми 2-бетда).

ТОШКЕНТ. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси бугун барча жабҳаларда намоён бўлмоқда.

Ягона ойна маркази — қулай ва тезкор

Хусусан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ижобий ўзгаришлар, тизимга замонавий технология ҳамда ускуналарнинг кенг жалб қилинаётгани янги хизмат турларини ташкил этишда кўл келмоқда. Куни кеча пойтахтимизнинг Сергели тумани ҳокимлиги ҳузурда республикада биринчи бўлиб ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда, интерфаол шаклда давлат хизматларини кўрсатиш бўйича Ягона ойна маркази иш бошлагани бунинг яққол далилидир.

(Давоми 2-бетда).

АНДИЖОН. Қорасувлик тадбиркор Санжарбек Қобулов қурилишда кенг қўлланиладиган маҳсулот — черепица ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Тадбиркорнинг харидоригр маҳсулоти

Айни пайтда у раҳбарлик қилаётган "Қорасув қурилиш люкс" хусусий корхонасида Украинадан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида маҳаллий хом ашё ҳисобига ойига ўртача 25 миллион сўмлик қурилиш материал тайёрланмоқда. Корхона жамоасининг сифатли ҳамда нисбатан арзон маҳсулотлари бозорда ўз харидорини топаётир.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАВОЙ. Қизилтепа туманидаги "Бобомурод ота — 2001" фермер хўжалиги фаолияти кенгайди.

Хўжаликнинг сердаромад тармоғи

Хўжалик раҳбари Зокир Бобомуродов пахтачилик ва галлачилиқдан олган даромади ҳамда банк томонидан ажратилган кредит ҳисобига паррандачилик фабрикасини ишга туширди. Айни пайтда ушбу фабрикада 6,5 мингта зотдор товуқ парвариш қилиниб, ички бозорга кунига 5 минг донадан ортиқ туҳум чиқарилмоқда.

Х. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СИРДАРЁ. Бёвут туманида Авазбек Жўраевни кўпчилик тадбиркор сифатида яхши билади.

Кредит мадад бўлди

Яқинда у банкдан олган 50 миллион сўмлик кредити ҳисобига қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий технология олиб келиб, ишга туширди.

Қувонарлиси, 21 киши иш билан таъминланган ушбу корхонада ойига ўртача 7 тоннагача гўшт қайта ишланиб, аҳоли дастурхонига 10 дан ортиқ турдаги қолбаса маҳсулотлари тортиқ қилинмоқда.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёдаги иқтисодий барқарор давлатлар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Негаки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, мамлакатимизда макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича ижобий ўзгаришлар кўлга киритилмоқда.

ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ХИЗМАТ

Бу Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида ишчи амалга оширилаётган ислохотларнинг юксак самарасидир.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда республикада иқтисодий барча тармоқлари, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам жадал ривожланимқда. 2009 йилда республика ялпи ички маҳсулотиде мазкур соҳанинг улуши 47,2 фоизга етгани бунинг яққол далилидир. Ваҳоланки, 1991

йилда бу кўрсаткич 16,3 фоизни ташкил этган эди.

Мутахассисларнинг айтишича, хизматлар бозориде,

Жараён

айниқса, сўғуртанинг аҳамияти бўлақча. Чунки бу хизмат тури институционал инвестиция манбаларидан бири бўлиб, энг аввало, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга, мамлакат иқтисодий тараққиётига хизмат қилади. Шу боис юртимизда сўғурта бозорини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Қирғизистонда юз бераётган воқеалар — бу, биринчи навбатда, Қирғизистон Республикасининг ички ишлари, деб баёнот беради.

Ўзбекистон Қирғизистон халқи билан кўп асрлик тарих ва вақт синовидан ўтган дўстлик ва ҳамкорлик риштали билан боғланган яқин мамлакат сифатида қўшни Қирғизистонда тинчлик ва барқарорлик таъминлашидан, муроса қарор топишидан, юзага келаяётган барча муаммо ва қарама-қаршилиқлар тинч йўл билан ҳал этилишидан манфаатдор.

Одамлар қурбон бўлиши ва талафотларга олиб келган қарама-қаршилиқ, Қирғизистондаги вазиятнинг янада беқарорлашиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий вазият янада оғирлашишига сабаб бўлиши, давлат ва унинг жойлардаги тузилмалари бошқарувини мураккаблаштириши, қўшни давлатлар билан чегараларда муаммолар юзага келтириши мумкин.

Ўзбекистон томони мазкур воқеалар мамлакатимизнинг Қирғизистонга қўшни туманларига салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидаги чегарани қўриқлаш тартибини қучайтириш бўйича муваққат чоралар кўришига тўғри келади.

Ўзбекистон қирғиз халқининг оқилона иш тутушига, мамлакатда тинчлик ва ижтимоий барқарорлиқни тиклаш учун бор куч-гайратини сафарбар эта олишига ишонади.

ҲИНДИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ АХБОРОТ МАРКАЗИ

Харьян штатининг Гургаон шаҳрида Ўзбекистондаги сайёҳлик имкониятлари бўйича маълумотлар олишга мўлжалланган ахборот марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Марказ Ҳиндистоннинг «SKG Tours» ва «VRS International» туризм компаниялари томонидан Ўзбекистоннинг «Galaxy Global» компанияси ҳамкорлигида очилди.

Биз ва жаҳон

Ташкилотчиларнинг мўлжалига кўра, марказ Ўзбекистонга ҳиндистонлик фуқароларнинг саёҳатларини ташкил этиш бўйича асосий ахборот манбаларидан бирига айланади. Унинг жойи ҳам тасодифан танлангани йўқ — Деҳлидан 20 чақиримлик масофада жойлашган Гургаон шаҳри нафақат Харьян штатининг, балки бутун мамлакатнинг молиявий ва саноат марказларидан бири саналади. Бу ерда Ҳиндистоннинг йирик компаниялари, банк ва

меҳмонхоналарининг офислари ва корхоналари жойлашган. Гургаон мамлакатда аҳолининг жон бошига нисбатан тўғри келадиган пул даромадлари бўйича Мумбай ва Чандигархдан кейин учинчи ўринда туради.

Тадбирда Ҳиндистоннинг ишбилармон, ижтимоий-сиёсий, маданий-гуманитар доиралари вакиллари иштирок этди. Маросимда Ўзбекистоннинг Деҳлидаги элчиси С. Иноғомов нутқ сўзлаб, ах-

борот марказининг очилиши халқлари асрлар давомида дўстлик ва ҳамкорлик ришталари билан ўзаро боғланиб келган икки мамлакат ўртасидаги сайёҳлик алоқаларининг раванқ топишига туртки беришини таъкидлади.

— Биз ўз тажрибамиз давомида Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга эканига амин бўлдик, — дейди ўз навбатида «SKG Tours» туристик компанияси директори Ажит Сингх. — Қадимий ёдгорликлар, ўз чиройига мафтун этувчи шаҳарлар, ажойиб иқлим, қойилмақом таомлар, ривожланган транспорт ва меҳмонхона инфратузилмаси, хорижий

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан мамлакатимиз бўйлаб «Биз — бир жамоамиз!» широри остида ўтказилаётган ёшлар акцияси қатнашчилари Оролбўйига келди.

Форум доирасида ўтказилаётган тадбирлар ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг билим ва интеллектуал салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, иқтидорли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг тарғиб этиш, уларни иш билан таъминлаш каби эзгу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

«БИЗ — БИР ЖАМОАМИЗ!»

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б. Янгибоев

2010 йил — Баркамол авлод йили

бошқарган анжуманда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази Қорақалпо-

ғистон Республикаси бўлими томонидан амалга оширилаётган хайри ишлар ҳусусида сўз борди.

Тошкент тиббиёт педиатрия институти Нукус филиалида ёш журналист-

материалларнинг гоёвий, бадий савиясини юксалтириш масалаларига бағишланган медиафорум ўтказилди. Тўрткўл тумани маҳаллий телевидениеси ҳузурда ташкил этилган «Ёшлар студияси» ижодкорлари томонидан яратилган кўрсатув ва видеороликлар, таҳририятлар қошида ташкил этилган ёш журналистлар мактаби ҳамда ёш қаламкашлар тўғрақлари фаолияти атрофлича муҳокама этилди.

(Давоми 2-бетда).

САРМОЯВИЙ МУҲИТНИНГ ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРИ

2009 йилда мамлакатимиз иқтисодийга жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга ўсди.

Эътиборли жиҳати шундаки, унинг асосий қисмини тўғридан-тўғри киритилган сармоялар ташкил этади. Бу юртимизда Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар туфайли вужудга келган қулай сармоявий муҳит, айниқса, чет эллик ҳамкорлар фаолият юритишлари учун яратиб берилган муносиб шарт-шароитларнинг юксак самарасидир.

БИР РАҚАМ ШАРХИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда миллий сугурта бозорига 31 сугурта компанияси самарали фаолият кўрсатаяпти. Улар томонидан 2009 йили 142,7 миллиард сўм миқдорда янги мукофот тўпланиб, аввалги йилдагига нисбатан 62,2 фоиз ўсишга эришилди. Ўз навбатида, қарийб 20 миллиард сўмлик сугурта қопламаси тўпланиб, бу борадаги ўсиш эса 28,3 фоизни ташкил этгани эътиборга моликдир.

Тизимда қўлга киритилган бундай муваффақиятлар ҳақида кеча Тошкент шаҳрида иш бошлаган анъанавий "ТНН — 2010" Халқаро сугурта форумида баътафсил маълумот берилди. Таъкидландики, Ўзбекистон сугурта бозори ҳақон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам жадал ривожланиб бораётибди. Табиийки, бу дунё сугурта ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Учинчи Тошкент халқаро форумида миллий сугурта компанияларидан ташқари, Буюк Британия, Марокко, Австрия, Франция, Бахрайн, Саудия Арабистони, Малайзия, Туркия, Россия, Украина, Ҳиндистон, Қозоғистон, Латвия, Словения сингари дунёнинг 16 дан зиёд давлатидан со-

ҳанинг 200 га яқин мутахассислари иштирок этаётгани шундан далолат беради, албатта.

— Сугурта ўзаро ишончга асосланган хизмат тури ҳисобланади, — дейди "Ўзбекивест" экспорт-импорт миллий сугурта компанияси департаментининг

кенгайиб, ташқи бозорга чиқдик. Бу миллий сугурта хизматимиз халқаро миқёсда тан олинганнинг амалдаги исботидир.

Форум иштирокчилари уч кун давомида ўзбек сугурта бозори ютуқлари билан яқиндан танишдилар. Соҳа мутахассислари миллий ва хорижий сугурта бозорининг бугунги аҳволи ҳамда устувор йўналишлари, маҳаллий ва халқаро компаниялар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, соҳанинг долзарб масалалари бўйича муҳокамага киришдилар.

Шу жиҳатдан, тадбир ўзаро таъриба алмашиш, тизимдаги мавжуд муаммоларга ечим топиш ва халқаро бозор салоҳиятидан унумли фойдаланиш майдонига айланади. Бу ерда янги келюрлар топиш, улар билан хамкорлашувларга эришиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилгани эса тадбирнинг ишчан кайфиятда ўтишини таъминлайди.

Шунингдек, халқаро форумнинг иккинчи кунидан "Олтин соябон" жамоатчилик мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтади.

Р. САИДОВ.

ҲИНДИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ АХБОРОТ МАРКАЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

компаниялар фаолиятининг ҳар томонлама рағбатлантирилиши ва қўллаб-қувватланиши бизнинг Ўзбекистонда иш юритишимизга яхши шароит яратди. Шу билан бирга, мамлакатнинг бошқа йўналишлардан ўзининг яқин масофада жойлашганлиги билан ҳам ажралиб туради — атиги 2,5 соатда Деҳлидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси рейслари билан тўғридан-тўғри Тошкентга учиб бориш мумкин.

«Ҳиндистон — МДХ» Савдо-саноат палатаси бош директори Анил Матхур охириги 30 йил давомида Ўзбекистонга тез-тез бориб туриши ва мамлакатда барча соҳаларда амалга оширилган улкан ўзгаришларнинг бевосита гувоҳи эканини таъкидлади. Унинг фикрига кўра, Ўзбекистонга дунёнинг турли чеккаларидан таширф буюраётган сайёҳлар оқими кўпайиб боришининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи айнан ўзбек халқининг ўзига хос маданияти ва самимиятидир.

— Ўзбекистон бизнинг компаниямиз учун янги йўналиш ҳисобланади. Биз асосий муассасалардан бирини мамлакатингизга боришни истовчи ҳиндистонликлар учун ахборот ва сайёҳлик хизматлари кўрсатувчи ахборот марказига айлантиришни режалаштирганмиз, — дея таъкидлади «SKG Tours» компанияси бошқарувчи директори Сушил Гаур.

«Жаҳон» АА. Деҳли

ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ХИЗМАТ

бош менежери Комил Ҳасанов. — Ишонч эса, зиммага олинган мажбуриятни тўлақонли бажариш эвазига қозонилади. Шу маънода, мамлакатимизда сугурта бозорини ривожлантириш борасида яратилган қўлай шарт-шароитлар туфайли мазкур хизмат тури тобора такомиллашиб бораёпти. Бунга бизнинг компаниямиз фаолияти мисол бўла олади. Масалан, ўтган йили 20 миллиард сўмдан ортиқ сугурта мукофоти тўплашга эришилди. Республикамизда сугурта бозорини ривожлантиришга қаратилган кўп қонун ҳужжатларининг ички ижроси, соҳада бир қатор имтиёзларнинг қўлланилиши шундай юқори самара бераёпти. Қувончарлиси, кейинги йилларда хизматлар кўлами янада

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мазкур тажрибавий лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги "Давлат ва ҳўжалиқ бошқаруви, маҳаллий давлат ҳўкимияти органларининг ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда, юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро хамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда ҳўкуматимиз ва БМТнинг Тараққиёт дастури томонидан тасдиқланган 2010 — 2015 йилларга мўлжалланган дастур доирасида амалга оширилмоқда. Ягона ойна маркази бир қанча

ЯГОНА ОЙНА МАРКАЗИ — ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР

афзалликларга эга. Яъни бу ерда аҳолига кўрсатиладиган қатор давлат ва жамоат хизматлари, жумладан, газ, иқтисодий таъминот, халқ таълими, энергия таъминоти, соғлиқни сақлаш тизими вакиллари, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини рўйхатга олиш бўйича ҳокимлик бўлими, банк мутахассислари фаолият юритишади. Бу эса, фуқароларга зарур маълумотларни олиш ва бошқа хизматлардан фойдаланишларида вақтни тежаш баробарида, ортиқча расмиятчилик ҳолатларини қисқартиришга ёрдам беради. Ҳозирча марказда олтига ойна мавжуд бўлиб, улар зарурий жиҳозлар билан тўлик таъминланган. Эътиборлиси, бунда жисмоний имконияти чекланган фуқароларга алоҳида қўлайликлар яратилиш кўзда тутилган.

Марказ Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистон Республикаси ҳўкуматига мамлакатни ривожлантириш учун АКТ сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда кўмаклашиш" (СТР) лойиҳаси хамкорлигида ташкил этилди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Илмий-амалий анжуман

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тошкент давлат шарқшунослик институти. Қарши давлат университети профессор-ўқитувчилари, адабиётшунос ва тарихчи олимлар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Анжуманда буюк бобокалониимизнинг "Темур тузуқлари" асарини муҳим тарбиявий аҳамиятга эга экани, уни ёшларимиз теран ўрганиши зарурлиги таъкидланди. Тарихчи олимларнинг Амир Темурнинг қонунчилиги, сиёсий ва саркардалик фаолияти ҳақидаги қимматли маълумотлари барчада катта қизиқиш уйғотди.

А. МУҲАММАДИЕВ, ЎЗА мухбири.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарвоқе, "Elxolding" бирлашмаси мамлакатимиздаги ўқув-лаборатория жиҳозлари ва кўргазмали куруллар ишлаб чиқаришга иқтисослашган ягона корхона ҳисобланади. Шу боис юртимиздаги барча таълим муассасалари ушбу жиҳозларни шу ердан сотиб олмақда. Айниқса, физика, кимё, биология, астрономия хоналари учун мўлжалланган ўқув-лаборатория жиҳозлари ва кўргазмали куруллар харидорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу туфайли мазкур жиҳозларнинг нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда, хусусан, Қозоғистон ва Россияда харидори жуда кўп.

Албатта, ушбу муваффақиятлар корхона жамоасининг тинимсиз саъй-ҳаракатлари ва изланишлари самарасидир. Бу нарса, айниқса, маҳсулот турини кўпайтириб бориш-



да кўзга яққол ташланади. Ҳозирги кунда бу ерда 650 турдаги маҳсулот тайёрланаётган бўлса, тез орада уларнинг сонини 700 га таққис шаклида изланишлар давом эттирилмоқда.

"Elxolding" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ўқув-лаборатория жиҳозларини тайёрлаш билан кифояланиб қолаётгани йўқ. Шунингдек, корхонада уч ва икки гилдракли мотоцикллар, юк ташишга мўлжалланган энгил авто-

улов тиркамалари ҳам ишлаб чиқарилаёпти. Яқинда маҳсулот тури яна биттага кўпайди. Гап шундаки, бу ерда корхона билан хамкорликда ишлаб келаятган Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори Д. Курбанов ғоясига кўра, қуритиш шаклафларини тайёрлаш ўзлаштирилди.

Қисқаси, "Elxolding" бирлашмаси жамоаси бугунги кун талабларига жавоб берадиган 650 турдаги маҳсулот ишлаб чиқари-

риб, ички ва ташқи бозорни сифатли товулар билан таъминлаб келмоқда. Айни пайтда жамоа аъзолари изланишларни бир зумга ҳам тўхтатаётганлари йўқ. Ҳеро, дадил қадам ва мақсадли изланишлар корхонанинг истиқболини белгилаб беради.

Абдурусул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан лавҳалар.

Ҳасан ПАЙДОВ олган суратлар.

«БИЗ — БИР ЖАМОАМИЗ!»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университетида ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уюштирилган бизнес-тренинг машғулотига тадбиркорликка қизиқадиغان талабалар иштирок этди. Ёшлар ўз ишини ташкил этиш, бизнес-режа тузиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, имтиёзли кредит маблағлари олиш ҳақида кенг маълумотга эга бўлди.

Форум доирасида Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалида ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Ярмаркада касб-хўна қўллаб-қувватлаш тугатаётган икки мингга яқин йигит-қиз қатнашди. Уларга 70 та корхона ва ташкилот бўш иш ўринлари тақлиф этди.

А. ОРТИҚБОЕВ, ЎЗА мухбири.

Ҳар бир инсон ўз замонасининг ёруғ қиёфаси — қомуси бўлмоғи керак. Шундагина у тақдирини ўз фазилатлари билан кейинги авлодларга боғлай олади. Бу Шўрчи туманидаги «Аҳмад» фермер хўжалигининг раҳбари Аҳмад Қудратовнинг гапи.

Аҳмаддон воҳанинг қалдирғоч фермерларидан. Бундан ўн саккиз йил аввал хўжалигини ташкил қилганида, ёши йигирмадан ошиб-ошмаган пайтлар эди. Йигирма гектарлик ери кўзига гоҳ кўп, гоҳ оз кўришиб ишлади. Бир қарич бўш ерни кўрса — уруғ сочди. Бир қадам бўш ерни учратса — қўчат қадади. Бир ҳовуч ўғит топса — далага ташиди. Фермер бўлиб техникани ўрганди. Ўтхонасидан чиққан тутунга қараб, тракторининг қайси қисми қаров-талаб эканлигини, қағидадаги бир сиким тупроққа боқиб, унинг ҳолатини айтиб берадиган, ер билан тиллашадиган бўлди.

Бошқалар экинга кўпроқ селитра сочмаша қилишса, у органик ўғитни тезда қилиб ағдарди. Бошқалар зараркунанда ҳашаротга заҳар — пестицид пурақанда, у фойдаланиш ҳаракатларини кўпайтирди. Ташвишини йўлаб бошқалар

чорва боқибдан қочган бўлса, қўйини йигирматадан юзга, юз-

Интилиш култиватор, плуглари бузилиб турганига ҳеч кимнинг кўзи тушмайди. Аҳмаднинг тили ширин: хўжалиги аъзоларидан тортиб, каттаю кичик хаммаи сиёзлайди. Қўли очик. Топганини аъзолари билан, хамқишлоқлари билан баҳам кўради. Ичмлик сув қудуғи қазимши, газ қувурини ўтказимши, йўл-кўприк созлашимши — бу ишларнинг бошида туради.

— Энди ўзимиздан кейинги авлоднинг хам гамини қиладиган пайтимиз келиб қопти, — дейди Аҳмад фермер. — Баркамол авлод йилида қишлоғимизда болалар спорт мажмуасини очамиз. Сурхон дарёсининг далаларимизга туташ кирғоқ бўйлари ўрмонларини қуоқлаштираимиз. Ҳаётга завқ берадиган нарса, бу — зугулик. Эзгу режалар, хайри юмушлар... Бугун ишлагга имкон етарли. Фақат вақтдан ютқазмасак, марра бизники.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲАЁТ НАВОСИ

тадан уч юзгага етказди. Юз эллик бошдан ошириб новвос боқди.

Мана, бугун кимсан, Аҳмад фермер хамкасблари ўртасида пешқадамлардан бири — 80 гектарга яқин ери бор. Фалласи 60 центнердан, пахтаси 45 центнердан кам бўлмади. Қўрасидаги ортиқча органик ўғитни сотиб, пулига «Нексия» минади. Атрофидаги фермерлар галласини Аҳмаднинг комбайни билан ўриб олишни маъқул кўришади. Чунки донни ерга тўкмай тоза ўради. Умуман, Аҳмаднинг тракторлари,

Бугун — Амир Темури таваллуд топган кун

Сохибқирон Амир Темурнинг барча фазилатлари ичида биттаси — бунёдкорликка бўлган меҳри бутунлай бошқача эканлиги киши диққатини ўзига тортади. Айниқса, боғ яратиш санъатини ҳам ардоқлагани, ҳам аъло даражада эгаллагани туфайли, юртимизда, умуман, улкан салтанатда санъат намунаси деса арзиғулик ажойиб боғлар барпо этилди.



Ерни обод қилиш, сув келтириш, дархат ўтказиш, гул экиш, боғга айлантириш — ўзбекининг асли қониди бор. Бу халқимизнинг қадимий удуми, анъанаси. Амир Темури ота-боболарнинг ана шу анъанасини давом эттирди, янада ривожлантирди. Сохибқироннинг одати — “Хар ердаким, иморатқа қобил ер кўрса эрди, ул ерда албатта бир иморат солур эрди” (Шарафиддин Али Яздий). Улуғ Амирнинг фақат юртимизда эмас, балки Мурғоб бўйларида, Кобул атрофларида, Озарбойжоннинг Муғон чўлларида, Қорабоғда олиб борган яратувчилик ишлари оламга машҳурдир.

Самарқанд атрофида яратилган боғларнинг (уларни ўн бешта санамади, фикримизча, ундан ҳам кўп) таърифи эса ўзгача. Жанубда, Сиёбнинг ўнг қирғоғида бўй кўрсатган “Боғи Чинор”, кунботарда, 1378

анор, иккинчисида — беҳи, учинчисида — шафтоли, тўртинчисида нок экилган. Кейин гулбоғчалар келади, уларда йил бўйи бирин-кетин очилиб ётадиган турли чиройли гуллар ўстирилган. Боғлар ўртасида иморатлар, қасрлар тикланган, улар олдига ҳовузлар лиммо-лим сувга тўлиб турган. Қаср атрофида чинор, тол, тут, турли томонларга ўрик, гилос, олиболу, ора-орада қизил аргун ўтказилган. Жануб томонида

МАНГУЛИК БОҒИ

Йилда Табризнинг оқ ва тоза мрамаридан ишланган қасри, уюлган, шиббаланган тупроқ устида тикланган “Боғи Биҳишт”, шимолда, Зарафшон бўйида қад кўтарган “Боғи Баланд”, Самарқанддан олти километр кунчиқшида Урта Пўлатчи қишлоғига яқин Хончорбоғ деган жойда ўн иккита боғ ўрнида бунёд этилган “Боғи Дилқушо”. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг гувоҳлик беришича, бу боғдан Самарқанднинг Феруза дарвозасигача тарақ экиб хиббон қилинган. Боғларни санашда давом этамиз. Самарқанддан 24 км. жанубда жойлашган “Боғи Жаҳоннамо”, пуштаи Қўжақ домонасида, Қонигилдан оқиб ўтадиган Обираҳмат бўйидаги “Боғи Нақши жаҳон”, яна “Боғи Майдон”, “Боғи Шимол”, “Амирозда Шоҳрух боғи”...

олма экилган, чунки, олма жазирама кунларда тафти қайтаради... Амир Темури боғларни барпо қилишга жуда катта аҳамият берар, муҳандисларга боғ тархи (лойиҳаси)нинг қандай бўлишини ўқитар, фавқуллода таважжўх, шижоат билан ишга киришарди. Беш йиллик сафардалик вақтида бунёдкорлик ишларига фурсати бўлмай, соғиниб қолганидан, Самарқандга қайтиб бино қуриш, боғ барпо қилиш ҳаракатларини бошлаб юборди. Қисқа вақт ичида бешта бунёдкорлик иши амалга оширилди. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарига ёзишча, милодий 1397 йил март ойида сохибқирон “Боғи Шимол”ни барпо этиш ҳақида фармон беради. Кеча-қунадуз иш тўхтамайди, беқларда ҳам, устакор (қурувчи)ларда лаҳза тиним йўқ.

Амир Темури юртининг бу гўзал чаман боғлари билан қанчалар ғурурланганини ҳис қилиш мумкин. Уларнинг тарҳини чизишда Сохибқироннинг ўзи бош-қош эди. Мамлакатта ташриф буюрган меҳмонлар бу боғларга, албатта қадамранжиди қилишарди. Масалан, испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Самарқандга келаётган, Кешидаги мухташам Оксаройни томоша қилиб хайратларга тушган, Тахти, Қорақандаги “Гулбоғ”да сайр этади, кейин “Боғи Дилқушо”, “Боғи Давлатобод”, “Боғи Нав”, “Боғи Чинор” боғларини томоша қилади, Қонигилда ўтган байрамни (бу жаннатноманд масканда элчилар учун атай халқимизнинг қадриятларини, меҳмондўстлиги, бағрикенглигини кўрсатиш, кўз қўзлаш учун байрам қилинганга шубҳа йўқ, Қонигилни чиндан ҳам дипломтар, ҳушманзарф майсазор сифатида таърифлайди тарихчилар) ўз кўзи билан кўради.

Уша йили қузда “Қонигилнинг бир ёнида боғи тарҳ солсунлар!” деган фармон берилади. “Боғи Дилқушо”ни бунёд этиш, иморату қўшқлар солиш ишлари шиддат билан бошланиб кетади. “Мураббаъ тархи солдиларким, — деб ёзади Яздий, — ҳар ёни минг беш юз қари эрди (яъни, етти юз эллик метр — М.А.) ва ҳар бир томонида бир дарвоза қўйдилар ва олий тоқилар, боғладилар ва қошин била зебу зийнат бердилар...”

Бугун эса атрофга назар ташлаб, қўша-қўша яшнаган боғларни кўриб кўнгиллар қулф уради, қўзлар қувонади. Ҳа, юртимизда кўпгина янгидан-янги мухташам боғлар барпо қилинмоқда. Бу ҳар қуни тонг отиши муқаррар бўлгандек тўхтамас узлуксиз жараён, озода Ватанда анъаналар давом этаётганини, давом этганда ҳам у янгича мазмун билан бойиб бораётганини кўрсатади.

Бугун юртимизнинг ўзи улкан боғга айланди, уни кезиб чиқиш учун кун эмас, ойлар керак. Беихтиёр кўп йиллар муқаддам ёзган шеъримдан қуйидаги сатрларни оҳиста такрорлайман:

Бир парча нонини халоллаб еган Халқимнинг кўкраги кўкдан баландроқ! Дайдилар: “Яхшидан боғ қолар экан...” Бизлардан боғ қолган, биздан қолур боғ!..

Муҳаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати.

Бугунги кунда ҳеч бир соҳа ривожини замонавий технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Халқ ҳўжалигининг кўплаб тармоқларида бундай илғор технологиялар ёрдамида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш, пировардида аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш билан бирга, юртимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга эришилмоқда. Қолаверса, камҳаражат эвазига юқори даромад олиш имконини берувчи бундай замонавий ускуналар “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деган белги остида тайёрланаётган маҳсулотларнинг дунё бозоридаги рақобатбардошлиги ва харидорғирлигини таъминлашга хизмат қилаётди.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Пойтахтимизда 13 йилдан буён фаолият юритиб келаётган “SORB-TEH” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган кўплаб турдаги сифатли доривор воситалар ҳам айни пайтда шундай эътирофга сазовор бўлмоқда. Тиббиёт, хусусан, ветеринария, ўсимликларни химоя қилиш ва экология соҳалари учун бир неча доривор воситалар, озуқа қўшимчаларини тайёрлашга ихтисослашган мазкур корхона энг илғор технологиялар билан жиҳозланган. Эътиборлики, бу ерда тайёрланаётган препаратлар нафақат юртимиз, балки хорижий соҳа мутахассислари томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда.

ларга қарши табиий курашиш қобилиятини оширади. Масалан, у жароҳатланган тери ва шиллиқ қаватларга суртилиб, турли хил микро-организмлар, яллиғланишларга қарши қўлланилса, ижобий самара яти ҳам тахсинга лойиқ. Жамият раҳбарининг таъкидлашича, уларни янги ва такомиллашган технологиялар асосида тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Иммуноил”, “Химикс”, “Пармикс” препаратла-

тирувчи хусусиятга ҳам эга экан. Дарвоқе, “SORB-TEH” жамияти экология, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, ҳозирда бу ерда тайёрланаётган замонавий филтратлар ишлаб чиқаришни тозаланган сув билан таъминлаш, саноат оқова сувларини ва чиқинди газларини зарарсизлантириш ҳамда тозалаш имконини беради.

— Мақсадимиз ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атроф-муҳит ва табиатни асраб-авайлашга қаратилган, — дейди Ҳақберди Мисиров. — Шундан келиб чиқиб, фаолиятимизни кенгайтиришга ҳаракат қилаемиз. Истиқболда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда корхонамиз экспорт салоҳиятини оширишни режалаштирганмиз. Зеро, янги технологиялар асосида иш олиб бориш муваффақиятлар омили бўлиши турган гап.

— “Бакстимс” номли дори воситамиз чет элларда ҳам харидорғир бўлиб қолди, — дейди “SORB-TEH” МЧЖ раҳбари Ҳақберди Мисиров. — Мазкур препарат таркибиде маълум миқдорда йод моддаси мавжуд. Бу эса инсонларда иммунитетни, яъни турли касаллик-

ри шулар жумласидан. Мазкур дори воситалари уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг турли касалликлар, бактериялар, микроорганизмлар ва замбуруғларга қарши чидамиллигини оширади. У табиий доривор восита сифатида қўлланилади. Бундан ташқари, “Полиаминокислотализин”, “Метионин” каби шартли номлар билан янги препаратларнинг тажриба намуналари ишлаб чиқарилди.

Шу ўринда корхонада ўсимликларни химоя қилиш бўйича янги дори-дармонлар тайёрланаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Жумладан, яқинда бу ерда “Фитобакс” дори воситасининг тажриба намуналари ишлаб чиқарилиб, унинг галла

беради. Қолаверса, “Бакстимс” яраларни тuzатиш, бактериялар ўсишини тўxtатиш хусусиятига эга. Бундан ташқари, ундан стоматит, ба-восил, колпит каби хасталикларни даволашда кенг фойдаланиш мумкин. Таъсир кучи самарали экани ва деярли безарарлиги боис унга ички ва ташқи бозорда талаб юқори. Шу-нингдек, “Диаседел” — жигар-буйрак фаолиятини яхшиловчи, қандли диабет касалликларини даволовчи табиий дори воситасини ҳам кенг қўламда ишлаб чиқариш ҳаракатидамиз.

Корхонанинг ветеринария ва чорвачиликда қўлланиладиган доривор воситалар, озуқа қўшимчаларини ишлаб чиқариш борасидаги фаоли-

М. ҲУБОВА. 1

24 соат ичида

Маълумки, сўнгги вақтларда иқлимшунослар Арктика, Гренландия ва Антарктида музликлари жадал сурьатда эриётганлиги ҳақида кўп гапирилмоқда.

Сўзувчи шаҳар

Хусусан, минтақаларо иқлим ўзгаришини ўргатувчи гуруҳ кейинги юз йил ичида сайёраимиздаги сувли ҳудудлар сатҳи 20 сантиметрдан 90 сантиметргача кўтарилиши мумкинлигини маълум қилган. Табиийки, бу ҳолат шундай минтақаларга яқин давлатларда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Буни инобатга олган бельгиялик архитектор Винсент Каллебо бир гуруҳ ҳамкасблари билан “Лилурд” номи сувада сузуб юрвчи шаҳар лойиҳасини ишлаб чиқди. Унда бир вақтнинг ўзида эллик мингта одам истиқомат қилиши мумкин. “Сўзувчи шаҳар” шамол ва кўёш ёрдамида энергия манбаи билан таъминланади. “Лилурд”ни қуриш ишлари 2100 йилда тугатилиши режалаштирилган.

Эътиборсизлик келтирган зарар

Ўтган йили аэропортларда йўқолиб қолган юклар туфайли авиаконанилар 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорда зарар кўрган эди.



Яъни йўловчилар эътиборсизлиги туфайли 25 миллионга чамодан йўқолган. Статистика маълумотларига кўра, бу юкларнинг тенг ярми транзит орқали учувчи йўловчиларнинг ҳиссасига тўғри келаркан. Яна 16 физ шундай ҳолатларда эса йўловчиларни нарсаларини аэропортларда қолдириб кетишаркан. Эътиборли жиҳати, йўқолган нарсаларнинг аксарияти кўпи билан 48 соат ичида топиб берилган.

Парвоз яхши ўтди

Швейцарияда кўёш энергияси билан ҳаракатланадиган самолёт синовдан ўтказилди.

Бу ҳақида маҳаллий “24 Heures” газетаси маълумот тарқатди. Манбада келтирилишича, “Solar Impulse” номи мазкур лайнер 1000 метрга ча баландликка кўтарилган ва у бир соатдан кўпроқ вақт давомиде парвоз қилган. Айтиб ўтамиз, мазкур самолётнинг оғирлиги 1,6 тоннани ташкил этади ҳамда у ўн от кучига эга. Лайнерни тўртта электр мотор энергия билан таъминлайди. Уни бошқарган учувчи Маркус Шерделнинг айтишича, парвоз вақтида ҳеч қандай муаммо бўлмаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ОЛИЙ ҲАРБИЙ БОЖХОНА ИНСТИТУТИ кўйидаги кафедраларнинг шаҳодатланган профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ: Юридик фанлар кафедраси: кафедра бошлиғи, профессор. Божхона назоратини ташкил этиш кафедраси: кафедра бошлиғи, профессор, доцент, ўқитувчи. Товарларни синфлаш ва сертификатлаш кафедраси: профессор, доцент. Махсус фанлар кафедраси: профессор, доцент, ўқитувчи. Божхона статистикаси ва ахборот технологиялари кафедраси: профессор, катта ўқитувчи. Давлат ва хорижий тиллар кафедраси: профессор, ўқитувчи. Ихтисос фанлар кафедраси: профессор, ўқитувчи. Ўқув батальони: курс бошлиғи ва курс бошлиғи ўринбосари. Танловда иштирок этиш истагидаги номзодлар Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институтининг кадрлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Ишга кириш истагини билдирганлар ўзлари билан паспорт, ҳарбий гувоҳнома ва Олий ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломлари билан келишлари лозим. Ҳужжатлар эълон чоп этилгандан бошлаб 1 ой ичида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 2-тор кўчаси, 118-уй, Олий ҳарбий божхона институти. Телефонлар: (8-371) 244-96-43, 244-56-26.


ALFA INVEST ВАШ ПЕРВЫЙ ПАРТНЕР В ЗАЩИТЕ ОТ РИСКОВ Хизматлар лицензияланган ИШ БЕРУВЧИНING ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИгини МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАШ 120-68-00 120-00-80 Сизнинг жавобгарлигингиз химоя остида

Tucson Ўз йўлингни танла! Меъзу қўнларда савдода бўлади! МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км. HYUNDAI Official Partner www.hyundai.com.uz Tel. (8-371) 250-11-11

102 ёшли ўқувчи Хитойнинг Шаньдун музофоти Цизань шаҳридаги мактаблардан бирининг биринчи синфида 102 ёшли кампир қабул қилинди. Таъкидлашишча, Ма Сюсиань исми бу хонининг ҳаёти осон келмаган. Жумладан, у 13 ёшидан бошлаб ишлашга мажбур бўлган, 18 га тўлганида эса турмушга чиққан. Шундан сўнг тўққиз фарзандни дунёга келтирган Ма Сюсиань бошланғич таълимни олишга фурсат топа олмаган. Маҳаллий газеталардан бирига берган интервьюсида бу ажойиб ўқувчи мактабга қабул қилинган учун миннатдорчилик билдириб, астойдил ўқиб-ўрганиш ниятида эканини айтган. Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимизда профессионал боксни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада спортнинг ушбу тури бўйича ҳамюртларимиз эришган ютуқлар йилдан-йилга яхшиланган бораётди.

унинг издошлари кўпчилики ташкил этади. Қувончбек Тойғонбоев, Темура Ибрагимов, Алишер Раҳимов, Қасрамон Орзиков, Бекзод Набиев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Шерзод Хусанов... Бу рўйхатини яна давом эттириш мумкин.



ПРОФЕССИОНАЛ БОКСДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР

ёш иқтидорларни янги марралар сари руҳлантирмоқда

— Дониёр ака, республикаимиздаги мавжуд профессионал бокс клублари фаолияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Ўзбекистонда профессионал бокс мактабига расман 1993 йилда асос солинган. Профессионал бокс анча мураккаб, жуда кўп меҳнат талаб қиладиган спорт турлидан бири ҳисобланади.

маҳоратларини оширмоқдалар. Шу ўринда Тошкентдаги "Фазул-Мунаввар" профессионал бокс клуби фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

ли эмас. Шунинг учун иштирокчилар сонини ошириш мақсадида саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

— Бугун профессионал боксда ўз омадини синаб кўраётганлардан кимларнинг номини алоҳида айти оласиз?

соҳиб бўлган Қасрамон Орзиков, Алишер Раҳимов, Қувончбек Тойғонбоев ва Темура Ибрагимов ҳорижда машғул олиб бормоқда.

СПОРТНИНГ ОЛАМИ Сирли

«ОҚ ОЛИМПИАДА» ТАРИХИ

Тўрт йилда бир мартаба ўтказилмаган қишки Олимпиада уйинлари доимо мурасосиз курашлар остида ўтиши, кўплаб рекордлар қайд этилиши билан ишқибозларни қизиқтириб келади.

Маълумотларга қараганда, биринчи қишки Олимпиада уйинларида илк бор 1924 йили Франциянинг Шимоли шаҳрида мезоблиқ қилган.




«Олтин шайба»нинг баҳоси 13000 \$

Нихоят, 1956 йили Италиянинг Кортина-д'Ампеццо шаҳрида бўлиб ўтган Олимпиада уйинларида беллашуларни ойнаи жaxon орқали кенг жамоатчиликка намойиш этиш йўлга қўйилди.

Шунингдек, Кросс-бининг Швейцария тарма жамоасига қарши кечган уйинда қилган либоси 35 миң АҚШ долларига сотилди.

Энг бой клублар



"Кироллик клуби" ўтган мавсумда 401 миллион евро миқдорда маблаг ишлаб топган.

Келишилган ўйинларга чек қўйилди

Европадаги келишилган ўйинлар билан боғлиқ можоралар Туркия футболлига ҳам етиб келган кўринади.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, бундай қинғирликларга аралашганида гуноҳ қилинганлари кўлга олиш ишлари мамлакатнинг 13 шаҳрида олиб берилган.

Умумийликни енгган ҳужумчи

Бу Маркони кўриқдан ўтказган шифокорнинг хулосаси эди. Шифокорнинг бу сўзларини эшик ортида эшитиб турган отаси унга: "Кел, бу-гунги гапларни эшитмадик, деб ҳисоблаймиз", деди ва ёш Маркога далда берди.

Мамлакатимизда болалар, жумладан қизларни спортга жалб этиш борасида кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда.

НАФОСАТ ВА ГҶЗАЛЛИК СЕҶРИ

Истеъдодли ёшларни аниқлаш, улар қобилиятини юзага чиқариш учун барча шарт-шароитларни яратиш эвазига спортчилар оиласидан эмас. Лекин интилиш, иштиёқ бўлса, ҳар қандай оиладан ҳам спорт юлдузи чиқиши мумкин.

Қасрамонимиз қисқа вақт ичида шаҳар, вилоят миқёсидаги беллашуларда катнашувчи гимнастикадан ийрик халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчиға айланди.

нуфузли мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Бухоро шаҳридаги 22-мактаб ўқувчиси Хусниябону Фуломова ана шуларнинг биридир.

— Ўзимни ниҳоятда бахтли инсон деб ҳисоблайман, — дейди Хусниябону. — Ютуқларимни муҳтарам Президентимизнинг спорт, хусусан, қизлар спортини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари натижаси деб биламан. Негаки, у ёки бу спорт тури билан шуғулланишимиз учун давлатимиз томонидан барча қўлайликлар яратиб берилган.

Қўркам спорт мажмуаларида бўлганимда, бувимнинг "Қизим, биз тенги авлоднинг ёшлиғи оғир кенган. У пайтларда шундай шинам, замонавий мактаблару спорт кўшоналари қайда эди, дейсан?" Орзуларимиз қишлоғимизнинг чанг кўчаларида қолиб кетди.

Хар қандай истеъдоднинг юзага чиқишида оилавий муҳит ва устознинг синчковлиги муҳим аҳамиятга эга. Ушанда Матлаб буви неварасининг қизиқчиларига жиддий эътибор қаратмаганида, мураббий Римма Хоҳлова ундаги истеъдодни пайкамаганида, спортимиз шундай ноёб бир истеъдод эгасини қўлдан бой бериши мўқаррар эди.

1988 йилги футбол мавсуми Марко учун ўта ёрқин кеңди. Германияда ўтган Европа чемпионатида жамоасининг бош соврин соҳиб бўлишига бири-биридан қиройли голлари билан ҳисса қўшди.

— Хусниябону ўз устида қаттиқ ишлайди, ҳар бир машқни қиёмига етказиб бажаради, — дейди кўплаб истеъдодли гимнастикачи қизларни кашф этиб келган Истам ИБРОҶИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҶМАТОВ**
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган.

Технириятка келган кўлемлар тақри қилинмайдиган муқабла қайтарилмайдиган. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Набатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Набатчи — О. Файзиёва. Мусоҳиҳ — Ш. Машраббеов.